Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 82 (21. 201) 1992 йил 24 апрель, жума ●

БАҲОСИ 1 СЎМ.

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлат бошлиқларининг Бешкекдаги учрашуви

БЕШКЕК, 22 апрель. Бугун Қирғизистон Республикаси пойтахти Бешкек шаҳрига Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Жумҳуриятларининг президентлари ташриф буюрдилар. Беш қондош ва қўшни давлатлар раҳбарларининг анъанага айланиб бораётган учрашувлари иқтисодий ва сиёсий алоқаларни мустаҳкамлашда беқиёс аҳамиятга моликдир.

Бу галги учрашув ташаббускори Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев бўлди.

Манас аэропортида журналистларнинг саволларига жавоб бериб, Асқар Акаев учрашув чоғида муҳокама қилиниши кўзда тутилаётган масалалар юзасидан қуйидагиларни айтди:

— Биз амалга ошираётган ишларимиз, республикаларимиз кўламида белгиланаётган тадбирлар юзасидан вақти-вақти билан учрашиб, маслаҳатлашиб туришимиз керак. Жумладан, собиқ Иттифоқ миқёсида амал қилиб келган иқтисодий муносабатларнинг барҳам топиб бораётгани, бу халқларимиз турмушига салбий таъсир этаётгани жиддий масала сифатида бизни ташвишлантирянти, бундан ташқари бозор муносабатларига ўтиш, пул-кредит масаласи каби муаммолар ҳам борки, бу сиз билан биз яшаб турган Ватан — Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг халқлари учун баб-баравар тааллуқлидир. Учрашувимиз давомида яна шунга ўхшаган қатор масалалар хусусида кенгашамиз. Мақсадимиз битта, деди сўзини давом эттириб А. Акаев, ота-боболаримиз удумига кўра, муаммоларни бир ёқадан бош чиқариб ҳал этмоқчимиз. Бозор иқтисоди муносабатларига ўтишнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларига дахлдор ягона инфраструктурасини яратиш бош мақсадимиздир.

Бешкек шаҳрининг Манас аэропортида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ҳам журналистларнинг саволларига очиқ кўнгиллик билан жавоб берди. У Асқар Акаевнинг фикрларини қўллаб-қувватлаб, жумладан, бундай деди: собиқ Иттифоқ ҳудудида барча соҳада аҳвол мураккаблашиб бораётган бир пайтда биз тез-тез учрашиб туришимиз лозим.

Нурсултон Назарбоев Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги сиёсий вазият ҳақида ҳам тўхталиб, биз, ҳамиша барча муаммоларни аҳиллик ва мулоқот йўли билан ҳал этишга интилиб келяпмиз, деди. Аммо ҳамиша собиқ Марказнинг устунлигига ўрганиб қолган бошқа айрим жумҳуриятлар бу масалаларда жўяли фикр-мулоҳазалар билан ҳисоблашмай иш тутишмоқда. Табиийки, бу аҳвол бизни қониқтирмаяпти. Ўйлайманки, бу муаммолар ҳақида ҳам кенгашиб оламиз.

Куннинг иккинчи ярмида Бешкек аэропортига кетмакет Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзовларнинг махсус самолётлари келиб қўнди.

Ислом Каримов ҳам, Сапармурод Ниёзов ҳам бу ерга бир мақсадда — Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари халқлари ҳаётига оид барча масалаларни бамаслаҳат ҳал этиш учун келганликларини таъкидлашди.

Ислом Каримов мухбирларнинг саволларига жавоб бериб, қуйидагиларни айтди: биз ўзаро муносабатларимизни кенгашиб ҳал қилишимиз зарур. Шунга имонимиз комил. Шу йўлда хайрли қадамлар ташламоқдамиз. Россия федерацияси халқ депутатларининг кечагина ўз ишини тамомлаган съездида кўрилган айрим масалалар ҳам бизнинг эътиборимизда ва бунга муносабатимизни ойдинлаштириб олишимиз керак, деб таъкидлади Президентимиз.

Бешкек шаҳрига ташриф буюрган меҳмонларни Манас аэропортида Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Аэропортда беш қардош мустақил мамлакатларнинг давлат байроқлари ҳилпираб турди.

Тожикистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Тўхтабой Ғаффоров учрашувда маслаҳат овози билан иштирок этмоқда.

БЕШКЕК, 23 апрель. Бугун эрталаб Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаевнинг қароргоҳида Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларининг Президентлари давра суҳбатига тўпландилар. Мазкур учрашувда Бешкек шаҳрига бетоблиги учун кела олмаган Тожикистон Республикаси Президенти Раҳмон Набиев номидан Тожикистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Тўхтабой Ғаффоров қатнашди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларидаги иқтисодий, маданий ва сиёсий тусдаги масалалар, тарихий, урф-одати ва тақдири бир бўлган халқларимиз ватани чегараларининг дахлсизлигини таъминлаш, халқлар қадр-қимматини ҳимоялаш, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳамкорлик масалалари анжуманнинг бош мавзуи бўлди.

Бешкек шаҳридаги мазкур учрашув Олмаота, Тошкент ва Ашхобод шаҳарларида бўлиб ўтган учрашувларнинг давоми сифатида халқларимизнинг бугуни ва келажагига хизмат қилади.

Собиқ Иттифоқ миқёсида юзага келган чуқур инқирозни ҳамкорлик билангина бартараф этиш мумкинлиги учрашувда яна бир марта намоён бўлди.

Учрашув якунларига кўра қўшма Баёнот келишиб олинди ва имзоланди.

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш мақсадида ҳамкорлик тўғрисида мазкур давлатлар ўртасидаги битим лойиҳаси ҳусусидаги хулоса, ҳуқуқий ҳамкорлик негизлари тўғрисидаги битим, транспорт соҳасида ҳамкорлик принципларида ва ўзаро муносабатлар шартлари тўғрисидаги битим, темирйўл транспорти фаолиятини мувофиқлаштириб туриш тўғрисидаги протокол ҳам имзоланди.

Учрашув якунида бўлиб ўтган матбуот конференциясида Президентлар журналистларнинг саволларига батафсил жавоб беришди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг Президентлари 23 апрель куннинг иккинчи ярмида Бешкекдан жўнаб кетдилар. Манас аэропортида уларни Қирғизистон Республикасининг Президенти А. Акаев ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Ў. МИРЗАЕВ,
ЎзА махсус мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОШКЕНТГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов 23 апрель куни Бешкекдан Тошкентга қайтиб келди. У Бешкекда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мустақил давлатлари бошлиқларининг учрашувида иштирок этди.

Тошкент аэропортида И. А. Каримовни республика Бош вазири А. Муталов, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон-Туркия

БОШ ВАЗИРНИНГ САФАРИ

● Сулаймон Демирэл ўз сафарини Ўзбекистон пойтахтига ташриф буюришдан бошлайди

● Бош вазир сафарига катта аҳамият

● Самимий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида музокаралар олиб борилади

АНҚАРА, 23 апрель. (РАТА—ТАСС). Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл 27 апрель куни Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига сафар қилади. У ўз сафарини Ўзбекистон пойтахтига ташриф буюришдан бошлайди, сўнгра Туркия Бош вазири Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркманистонга боради. Ўрта Осиёдан у Озарбайжонга йўл олади.

Анадўлу ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, ўзининг дипломатия сафарига жуда катта аҳамият бераётган Сулаймон Демирэл, жумладан қуйидагиларни таъкидлади: «Биз Ўрта Осиё республикаларига берган ваъдаларимизни бажарамиз, биз уларга мадад берамиз».

Ахборот маҳкамаси Бош вазир мусулмон давлатларининг раҳбарлари билан шу давлатлар билан ўрнатилган «самимий алоқаларни» янада кенгайтириш мақсадида музокара олиб боришини таъкидлайди. Анқарадаги сиёсий кузатувчиларнинг фикрича, Туркия Республикаси ўзининг «Дунёвий демократияси ва эркин бозор иқтисодиёти билан мусулмон давлатлари учун ғарб дунёсига ўтадиган ўзига хос кўприк бўлиши мумкин».

● (Туркия Бош вазирининг Ўзбекистонга сафарига бағишланган мақолалар билан рўзноманинг 2-саҳифасида танишасиз).

Бешариқ районидаги «Яккатут» давлат хўжалигида зотли ғунажинлар етиштирилмоқда. Айни кунларда 450 бош ўн ойликдан уч ёшгача бўлган ғунажинлар меҳр билан боқилмоқда. Бу ишда машҳур бузоқбоқар Маҳфират Раззоқова кўпчилликка ўрнак.

Суратларда: 1. Маҳфират Раззоқова ўз шогирди Ойнахон Усмонова билан. 2. Фермада боқилаётган зотдор бузоқлар.

Турғунбек МАҲКАМ олган суратлар.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Қашқадарё вилоятидаги бир қатор районлар ҳадемай чигит экишни якунлайдилар. Айниқса, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи районларида бу иш уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Ҳар бир районда кунига 2—2,5 минг гектар майдонга барака уруғи қадалаётир. Ғузор районидаги К. Маркс номли жамоа, «Рассвет» давлат хўжаликлари пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб чигит экишни тугалладилар.

Косон, Нишон, Ульянов, У. Юсупов, Баҳористон ва Муборак районларида ҳам кундан-кунга чигит экиш суръати ошмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХРОНИКА

Туркия Республикасининг Тошкентдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вулқон Чотур ишонч ёрлиқларини топшираётган муносабати билан уни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Ғ. Тешабоев қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ МАЖЛИСИ

● 23 апрель куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов раислигида Сиёсий ижроия қўмитанинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП фаолиятининг партия дастурий мақсадларидан ва республикада қарор топган ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқувчи устивор йўналишлари тўғрисида Марказий Кенгаш биринчи котиби М. М. Расуловнинг хати кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорнинг баёни матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Майни ҳамда фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 47 йиллигини нишонлашда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг иштирок этиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Жойлардан келаётган кўплаб илтимослар муносабати билан ва ушбу саналарнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга молик эканлигини ҳисобга олиб уларни нишонлаш тўғрисидаги таклиф маъқулланди.

Ана шу мақсадларда Ўзбекистон ХДП вилоят, район кенгашлари 1 Май куни меҳнаткашларнинг оммавий дам олишини: халқ сайиллари, табиат қўйнига чиқишлар, спорт мусобақалари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари танловлари ва ҳоказолар уюштиришни маҳаллий ҳокимият органларига, корхоналар, давлат ва жамоа хўжаликлари, ташкилотларнинг раҳбарларига таклиф этишларини мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланди.

9 май куни халқ сайиллари ва байрам концертлари ўтказиш, партия кенгашларида уруш қатнашчиларини, байналмилалчи жангчиларни қабул қилиш, ногирон фахрийларни уйларига бориб кўриш, Номаълум аскар қабрига, Ватан ҳимоячилари дафн этилган жойларга гулдасталар қўйиб, зиёрат қилишни уюштириш тавсия қилинади.

Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлисида «Кам таъминланган фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Ўзбекистон ХДП кенгашларида муҳокама қилишга доир таклиф ҳам қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон ХДПнинг фахрийси тўғрисидаги Низомнинг амалда қўлланиш тартиби, Марказий Кенгашнинг 1992 йил II чораги учун иш режаси тасдиқланди. Партия ички ҳаётига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА ҚАБУЛ

Илгари хабар қилинганидек, республикамизда Хитой Халқ Республикасида нашр этиладиган «Жэньмин жибао» («Халқ газетаси») рўзномаси ходимлари меҳмон бўлишди. Булар: рўзнома халқаро бўлими Шарқий Европа ва Ўрта Осиё мамлакатлари масалалари бўйича гуруҳининг катта муҳаррири Сюй Хеншэн, шу гуруҳнинг муҳаррири Ху Сицзинь ҳамда рўзноманинг Шинжон Уйғур Муҳтор районидаги доимий мухбири Цзэн Куэндир.

Хитойлик ҳамкасабаларимиз республикамизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан танишиш мақсадида ташриф буюришган. Улар бир ҳафта мобайнида меҳнат жамоаларида, партия ташкилотларида, ўқув юртларида бўлдилар. Самарқанд ва Жиззахга сафар қилдилар. Куни-кеча улар илтимосларига кўра, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида қабул қилиндилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов меҳмонларга республикадаги бу янги тузилган партиянинг фаолияти ҳақида, жойларда унинг Таъсис қурултойи қарорлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида атрофлича сўзлаб берди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, деди Маҳмуджон Мўминович, бошқа партия ва сиёсий ҳаракатлар билан яқиндан алоқада бўлиб, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Бу нарса унинг халқ орасида обрў-эътибор қозонишида, одамлар меҳрига сазовор бўлишида ижобий аҳамият касб этаётир.

М. М. Расулов хитойлик журналистларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди. Икки мамлакат партиялари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро делегацияларни айирбошлаш истаги изҳор этилди. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикасида самимий, дўстона кутиб олинганликлари учун ташаккур билдирдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг бўлим мудири А. М. Жалолов қатнашди.

Суратда: қабул пайти. **Р. ШАРИПОВ олган сурат.**

● ТАДБИРКОРЛИК—ДАВР ТАЛАБИ

ОЛАМГА МАШҲУР

● Машҳур сайёҳ Марко Поло ўз саргузаштномаларининг бирида Бухорога қилган сафари тўғрисида шундай деб ёзган эди: «Турли мамлакатларда ранг-баранг шаробларни тотиб кўрганман. Лекин бухоролик усталар тайёрлаган мусаллас уларнинг барчасидан аълодир...».

Дарҳақиқат, азалдан ширин-шарбат узум навларининг макони бўлган Бухоро усталари тайёрлаган май шохлар ичимлигидир. Бундай шароб Бухоро, Қоракўл, Шофиркон, Жондор, Бўстон туманларида етиштирилган узум навларидан тайёрланган.

Зарафшон воҳасининг ажойиб узумлари шуҳратини эшитган кўпдан-кўп ишбилармонлар бу ерда виночилик ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш ҳаракатида бўлишди. Ўтган асрнинг ўрталарида рус тадбиркори Димитрий Филатов Самарқандда дастлабки заводни қурди. Ўша пайтда завод учун шарбат йиғадиган корхоналарнинг кўпчилиги Бухоро ҳудудида эди.

Инқилобдан сўнг Филатовнинг корхоналари асосида «Турквино», кейинчалик «Ўзбеквино» бирлашмалари тузилди. 40-йилларнинг бошида эса Бухорода вино заводи қурилишига киришилди.

Ҳозир Бухорода етиштириладиган «Ширин», «Офтоби», «Бухорий», «Қизилжилвон», «Варахша» ва яна ўнлаб турлардаги винолар шинавандаларга жуда манзур бўлмоқда. Эндиликда корхона йилига 24,4 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир. Заводнинг О. Федосеева, А. Рустамов, Р. Ҳамидов, Ф. Саломов, З. Панов, М. Ҳакимова, М. Тошева сингари ўнлаб фидойилари маҳсулот шуҳратини оширмоқдалар.

Корхонада етиштирилган шароб турлари Югославия, Руминия, Москвадаги Халқаро кўргазмаларда олтин ва кумуш медалларни олган.

Завод меҳнат жамоаси турли маркали қуруқ винолар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш тадбирларини кўраяпти. Янгидан тузилган «Севинч» фирма дўкони ва унинг жойлардаги филиаллари маҳсулотнинг ранг-баранг турларини истеъмолчига таклиф қилмоқда. Фирманинг фақат уч ойдаги савдо ҳажми 5 миллион сўмни ташкил қилди. Завод меҳнат жамоаси ўтган йили 2,8 миллион сўм соф даромад кўрган бўлса, шу йилнинг дастлабки уч ойида 1 миллион сўмдан зиёд фойда олди.

Яқинда Абу Али ибн Сино номли маданият саройида корхона меҳнат жамоасининг 50 йиллик тўйига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Ўзбекистон мева-сабзавот ва виночилик саноати давлат концерни бошлиғи А. Х. Тошкенбоев, Бухоро вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Р. Раҳимов, республика ва ҳамдўстлик мамлакатларидан келган турдош корхоналар вакиллари меҳнат жамоасини қутлуғ юбилейи билан қизғин табриклашди.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» рўзномаси ҳам завод аҳлини ярим асрлик тўйлари билан муборакбод этади. Меҳнат жамоаси раҳбарияти рўзнома таҳририяти билан ҳамкорлик шартномасини имзолаб, таҳририят жамғармасига 10 минг сўм ўтказадиган бўлди.

Ўзбекистон – Туркия

● Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Туркия Республикаси Бош вазири С. Демирэлнинг ўзаро мулоқоти.

Бу сурат республикамиз Президентининг Туркияга расмий визити чоғида суратга олинган.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат (ЎзА).

ҒИРОТ МИНГАН ЧАВАНДОЗ

Тўғри йўл партияси (ТИП) нинг 67 яшар раҳбари Сулаймон Демирэл ўтган йилнинг октябрида умумий парламент сайлови натижасида ТИП биринчи ўринга чиқиб олганидан кейин еттинчи марта Туркия ҳукуматига бошчилик қила бошлади. Туркия сиёсатининг шу атоқли фахрийси ўз сиёсий таржиман ҳолининг 30 йиллигини мана шундай нишонлади. Воқеанинг муҳимлиги яна шундан иборат бўлдики, С. Демирэл, ТИП ҳам ўз ўтмишдоши — Адолат партияси каби «доимий оппазиция»га маҳкум этилганлиги тўғрисида расм бўлай деб қолган фикрни чиппакка чиқаришга муваффақ бўлди.

Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэлнинг сиёсий сиймоси

Жануби-Ғарбдаги Испарта вилоятидан чиққан ёш қурувчи-муҳандис С. Демирэл 60-йилларнинг бошларида сиёсат майдонида биринчи марта пайдо бўлган эди. Ўша пайтда у Туркия Республикаси тарихидаги биринчи ҳарбий тўнтаришдан сўнг ўз маслакдошлари билан бирга Адолат партиясига асос солган эди. Орадан тўрт йил ўтганидан кейин — 1965 йилнинг октябрида у ҳукумат пиллапоясининг чўққисига кўтарилиб, мамлакат тарихидаги энг ёш бош вазир бўлди. С. Демирэлнинг шак-шубҳасиз муваффақияти осонгина изоҳланади: у туркларнинг, айниқса деҳқонларнинг руҳиятини ва мусулмон аҳолининг кайфиятини нозик ҳис этиши туфайли халқ билан тил топиша олади, мураккаб сиёсий вазиятлардан моҳирлик билан чиқа олади.

Кейинчалик С. Демирэл яна бир неча бор «Бош бақанлиқ конуту» (Бош вазир қароргоҳи) хўжайини бўлди. Аммо икки марта — 1971 ва 1980 йилларда ҳарбийларнинг аралашуви сабабли унинг лавозимида танаффус рўй берди, Армия генерали Кенан Эврен қилган тўнтариш айниқса аянчли ва сурункали бўлди, бунинг натижасида С. Демирэл ва яна 15 нафар таниқли турк арбоби етти йилгача актив сиёсий фаолиятдан четлаштириб қўйилди.

С. Демирэл ўзининг ҳозирги (Социал-демократлар билан биргаликдаги) қўшма ҳукумати асосий вазифаларини инсон ҳуқуқларига риоя этишдан ва мамлакатнинг Европа ҳамжамиятида кенг миқёсли иштирокини таъминлаш мақсадида унинг иқтисодиётини барқарорлаштиришдан иборат, деб белгилади. Шу билан бирга қонуннинг устиворлиги ҳукуматнинг энг муҳим шиори бўлиб қолишини таъкидлади. Майда буржуазия орасидаги зўр таъсирдан ва йирик капиталнинг шаксшубҳасиз мададидан фойдаланувчи С. Демирэл ҳусусий ташаббусни ҳар томонлама рағбатлантириш йўлини давом эттирмоқда.

С. Демирэлнинг ташқи сиёсий мезонлари дунёдаги туб ўзгаришлар таъсирида озгина ўзгарди, холос. Ғарб билан, жумладан, АҚШ билан яқиндан ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик йўли ҳамон биринчи ўринда турибди. С. Демирэлнинг АҚШга бориб, биринчи ва етти йилдан кейин иккинчи тажриба ўрганиши, хусусан 1952 йилда Дуайт Эйзенхауэрнинг стипендиати сифатида тажриба ўрганиб келиши С. Демирэлнинг америкапарастлик кайфиятлари шаклланишига муайян таъсир ўтказганини айтиб ўтиш ўринлидир.

Дарвоқе, С. Демирэл ва унинг бирлашмадаги шериклари ислом дунёси билан алоқаларга, шунингдек «Шимолдаги қўшни» билан, аниқроги ҳозирги воқеликни ҳисоба олганда, «Шимолдаги қўшнилар» билан яхши муносабатлар боғлашга сезиларли ўрин бермоқдалар. Биринчи ҳолатда Туркия ўзини Ғарб билан мусулмон мамлакатлар ўртасидаги боғловчи бўғин деб белгилаган бўлса, собиқ СССР республикалари билан муносабатларда (урушдан кейин Туркияда айни С. Демирэл 60-йилларда Шимолдаги қўшни билан яхши алоқа ўрнатиш учун фаол ҳаракат қилган эди) Анқара «намуна» ёки «ибрат» вазифасини ўташни даъво қилмоқда. Турк тилида сўзлашувчи собиқ совет республикалари билан муносабатларга келганда эса, ғарбдагиларнинг таъкидлашича, Туркия ўз янги шерикларининг маъқуллаши билан Кавказдан Ўрта Осиёгача бўлган катта маконда ўзига муносиб ўрин олишга интилмоқда.

С. Демирэлнинг рафиқаси Назмия хоним ўз эри билан бирга Туркиядаги жуда ўткир сиёсий курашнинг барча мураккаб йўлларидан ўтиб келмоқда. Бу ўқимишли ва гўзал аёл ўз эрининг ишларига аралашмасликни маъқул кўради.

С. Демирэл мақсадни аниқ белгилай олади ва унга эришиш учун изчиллик билан ҳаракат қилади. У кўк ғиротининг «эгарида ҳамиша маҳкам» ўтиради. Ҳа, қадимий ўтмишни ҳам, куч, садоқат ва жўшқинликни ҳам ифодаловчи бу учқур от Адолат партиясининг рамзидан ТИП рамзига айланган. Турк достонларида тасвирланишича афсонавий халқ қаҳрамони Гўрўғли ўзининг содиқ дўсти — Ғиркўкда неча марталаб душманлардан ғолиб чиққан, Ғиротнинг ўзи эса неча марталаб эгасини ўлимдан қутқариб қолган. Ҳозир ҳам Ғирот ўз эгасига астойдил хизмат қилаётгани кўринib турибди.

Озар ЖАНГИРОВ.

БИР— БИРИМИЗДАН ЎРГАНИБ

Туркия олий мактаблари ўқув дастурларига Олмония ва АҚШ университетлари таълим дастурлари асос қилиб олиниб, улар Туркия иқтисодини ривожлантириш талабларига мослашган ҳолда олиб борилади.

Туркия ҳукуматининг кейинги 10 йилда ривожланиб келаётган давлатлар қаторидан, 2000-йилгача 15 та йирик ривожланган мамлакатлар ўртасидан ўрин олишга интилаётган аниқ дастурлари бор. Буларни амалга оширишда Оврупо мамлакатларининг кўп миқдорда инвестиция бериши, катта ёрдами кўзга ташланади.

Енгил саноат фабрикаларининг кўплаб қурилиши ва замонавий дастгоҳлар билан таъминланиши ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга, давлат иқтисодиётининг юксалишига, айниқса, халқнинг ижтимоий шароитини яхшилашига жуда катта ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бурса шаҳри Туркиянинг тарихий пойтахти. Бу ерда тўқимачилик ва енгил саноат яхши ривожланган. Бурса тўқимачилик комбинатида ишлатилаёган барча ускуналар Олмония ва Италияда ишлаб чиқарилган, ранг-баранг бўёқлар эса Японияндан олинган. Бу ердаги 70 фоиз пахта ва 30 фоиз кимёвий тола аралашмасидан тўқилаётган матолар ва тикилган кийимлар кўзни қувонтиради.

Фабрикалар иқтисодиёти юксаклигининг сабаби нимада? У ҳам бўлса хом ашё, яъни, тола, табиий, сунъий ипак, жун ва бошқалардан ип олиш, уни йигириш, тўқиш ва тайёр буюм тикиб сотиш каби барча технология жараёни фабриканинг ўзида адо этилаётганлигидир. Шунинг учун ҳам менежердан тортиб, муҳандис ва оддий ишчигача ҳар бир технологик жараёнда сифатли сертификатга эга бўлган маҳсулот чиқаришга ҳаракат қилади.

Бурса шаҳри халқининг томири Ўрта Осиёдан бориб ўрнашган одамлар бўлгани учун ҳам улар талаффузи ўзбекчага яқинроқ. Ўртача маош оладиган ишчи билан суҳбатлашиб қолдим. У ўз ишидан мамнун. Турмуш ўртоғи ҳам шу фабрикада ишлайди. Тушлик овқатлари бепул ва сифатли. Маошни Олмония маркаси ва Туркия лирасида олади. Бу оила иқтисодий шароитини яхшилашга олиб келаётир. Тўқимачилик комбинати шахсий мулк эгасиники бўлишига қарамай, ишчиларнинг шарт-шароитини яхшилашга катта эътибор берилаётир.

Тўқимачилик ва енгил саноат фабрикалари менежерлар, муҳандисларнинг кўпчилиги бундан 5—10 йил аввал чет элларда ўқиб келишган.

Улуғбек жамғармаси ҳомийлигида ҳар йили 20 аспирант, ўқитувчи ва олимни 1 — 3 ойга тўқимачилик енгил саноат технологиясини ўрганиш, ўқитиш ва бозор иқтисодиётида иш бошқариш масалалари юзасидан малака оширишга Туркия университетларига юбориш тўғрисида Истанбул ёшлар қўмитаси билан шартнома тузилди ва тегишли маҳкамаларда тасдиқланди.

Бурса, Измир университетларида ҳар йили институтимизнинг беш-ўн талабаси ўқитувчи малака оширадиган, бир йил ўқийдиган бўлишди.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ЎЗГАРИШ ЙЎЛИДАН

Анқара техника университети ҳар беш йилда бир марта ўндан ортиқ турли мамлакатдаги университет олимлари иштирокида тўқимачилик, йигирув, тикувчилик соҳасида симпозиум ўтказади. Бу йил октябрь ойида бўладиган симпозиумда олимларимиз ҳам иштирок этадилар.

Кези келганда шуни айтиш лозимки, университет, ўқув базаларидаги дастгоҳларда талабалар ўзлари ишлаб, тайёр замонавий маҳсулотлар чиқаришади, маош олишади. Маҳсулотлар олийгоҳ ҳовлисидаги магазинда арзонроқ нархда сотилади. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати олийгоҳида қатор кафедралар шу каби ишларни жорий қилиб, иш тутмоқчи.

Туркияда чет тилини ўрганишга катта эътибор берилади. Барча зиёлилар, албатта, инглиз, олмон, француз тилларининг бирида гапиришади. Биз мустақил давлат сифатида жаҳон бозорида ўз ўрнимизга эга бўлишимиз учун чет тиллардан бирини ўз ҳоҳишига қараб талабаларга чуқур ўргатишимиз лозим. Биз бу ишни 1991—92 ўқув йилидан жорий қилдик.

Туркиянинг барча университетларига талабаларни қабул қилиш марказлашган, тест асосида, компьютерларда амалга оширилади. Кириш имтиҳони учун 200 лира, яъни 30 доллар атрофида тўланади. Қабул қилинмаганларга пул қайтарилмайди. Университетлар эса, марказ қабул қилган талабаларга чуқур билим бериш усуллари билан шуғулланади. Биз бу марказнинг иш усулларини ўргандик. Ҳақиқий билими бор, ўзи ўқишни истаганларгина бу марказ синовидан ўтиб, ўқиши мумкин. Бу эса етук муҳандис тайёрлашнинг пухта заминидир.

1992—93 ўқув йили учун қабулни бир қанча олий ўқув юртлари қаторида тажриба тариқасида ана шундай тестлар орқали ўтказишга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Туркияда барча талабаларга давлат стипендияси тўланмайди. Фақат аъло баҳолар билан ўқиганларгина давлат ёки ҳомийлар томонидан рағбатлантирилади. Кўпинча талабалар кундузи ўқиш билан бирга айрим тижорат ишларида қатнашиб, маош оладилар. Туркияда пул тўлаб ўқийдиган билим юртлари ҳам бор. Айрим университетларда ўқитиш турк ҳамда инглиз тилларида боради.

Туркия университетларида ҳам барча ривожланган мамлакатлардаги ўқув юртлари каби икки поғонали мутахассис тайёрланади. Тўрт йил давомида умумий техник, фундаментал фанлар асосида «бакалавр» олиш учун, ўқишини давом эттиришни истаган талабалар икки йил ишлаб чиқаришда кичик муҳандис бўлиб ишлаб келгандан сўнг «магистр» даражасини олиш учун, яна икки йил ўқишини давом эттириб, имтиҳон топшириб, диплом ёқлашади. Фан магистри ёки юқори малакали муҳандис бўлиб чиқади.

Институтимизда ҳам шу икки поғонали ўқиш дастурлари чуқур ишлаб чиқилди. Институт илмий-кенгашининг йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. 1992—93 ўқув йилидан бу дастур бўйича ўқишни бошлаш тавсия этилди. Ҳозир Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бу дастур кўриб чиқилмоқда.

Жумҳуриятимизда янги тартибдаги ўқиш жорий қилинар экан, икки босқичлик ўқишни битирган муҳандислар қаерда ишлашлари мумкинлиги ва шу вазифаларни штатга киритиш тўғрисида республика Меҳнат комитети тегишли қарорларни тезроқ чиқарса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳалима АЛИМОВА,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори.

«ШАРҚ» САВДО УЙИ ВА БОШҚАЛАР

Наманганда очилган «Шарқ» Ўзбекистон —Туркия савдо уйи молларни айирбош қилиш ва банкларни барпо этишда МДҲ мамлакатлари билан бевосита алоқа ўрнатишни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда.

«Заготхлопкопром» бирлашмаси, Наманган моддий-техника таъминоти бош бошқармаси ва вилоят режалаштириш комиссияси, Наманган машинасозлик заводи «Тола» ва «Сайхун» акционерлик жамиятлари савдо уйининг муассислари бўлишди.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлигида «Шарқ» савдо уйи ва яна Туркия билан биргаликда ташкил этилган 13 та корхона расмий равишда рўйхатга олинди. Уларнинг фаолияти хилма-хил бўлиб, воситачилик хизмати, улгуржи-чакана савдо, саёҳатни ташкил этиш, ноорганик бўёқлар, мебель ва болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқариш, терини ошлаш, чарм буюмларни тикиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва сотишни ўз ичига олади.

— Туркия ишбилармонлари биз билан мустаҳкам ҳамкорлик қилишдан манфаатдордирлар,— дейди Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари Н. Қориев. — Йил бошидан буён Туркия ишбилармонларининг учта катта гуруҳи Ўзбекистонда бўлди. Ҳозир ҳам туркиялик ишбилармонлар бизнинг имкониятларимизни ўрганишмоқда, ўзаро фойдали алоқаларни ишлаб чиқиш ва ўрнатиш давом этмоқда.

(ЎзА мухбири).

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТЛАРИДА

22 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Саноат, Халқ истеъмоли моллари, Аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо ҳамда деҳқончилик-саноат мажмуи ва сув хўжалиги комитетларининг қўшма мажлиси бўлди.

Мажлисни саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо комитетининг раиси Ф. Нажмиддинов бошқарди.

Мажлисда аҳолининг кундалик зарур молларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича «Ўзбекбирлашув» бошқарувининг раиси Г. Волковнинг ахбороти ва Ўзбекистон республикаси савдо вазири М. Усмоновнинг ҳисоботи тингланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Комитетларнинг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко қатнашди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Фан, халқ таълими ва маданий меросни асраш комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни комитет раиси А. Асқаров олиб борди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг охирги варианти муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан ишчи гуруҳи раисининг ахбороти тингланди.

Депутатлар ушбу Қонун лойиҳаси ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини айтдилар. Таклифлар, қўшимчалар ва истаклар ҳисобга олиниб, мазкур Қонун лойиҳаси асосан маъқулланди. Ушбу лойиҳани Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига қўйишга тавсия этилди. (ЎзА).

СУРАТДА: Ориф Алимов ўз ҳамкасблари даврасида.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ТАБИАТ ШАЙДОСИ

ОРИФ ака билан учрашиб турамиз. Кексаларнинг бир-бирини соғиниши, суҳбати, маслаҳатлашиши яхши одат: Дилларнинг чиғиллари ёзилади. Ориф акани кўришга, ундан маслаҳат олишга эса фақат тенгдошлари эмас, шаҳримиз ёшлари ҳам интиладилар. Бундай орзу ва рағбатнинг сабаблари кўп-у, лекин биттаси айниқса ибратлидир: Ориф ака тўғри, адолатли инсон. У эсини таниб, меҳнат жабҳасига қадам қўйганидан буён ўтган олтмиш йилдан ортиқ узоқ бир давр давомида қайси соҳада, қайси лавозимда бўлишидан қатъи назар, адолатни ўзи учун шиор қилиб олган. Унинг ҳақиқат учун изчил кураш олиб борганига, она табиатни бир содиқ ўғилдай севганига, халқига, Ватанига сидқидилдан хизмат қилганига, одамларга меҳрибон бўлганига шахсан мен гувоҳман.

Ориф ака асли тошкентлик, Эски шаҳарнинг Чувалачи маҳалласидан. Бу маҳаллада асосан косиблар яшаганлар. Машҳур Қумлоқ гузаридан ўнгдаги, арава сиғмайдиган тор кўчага бурилсангиз Чувалачига кириб борасиз. Шу маҳаллада оёқяланг тупроқ кечиб юрган болакай Орифжон эсини танибоқ мактабга борди, қунт билан ўқиди, айниқса дунёвий фанларга, иқтисодга, табиатшуносликка қизиқди. Ўрта таҳсилдан сўнг у Ўрта Осиё План институтига кирди ва уни йигирма ёшида муваффақиятли тугатгач, 1933 йилда Андижон вилоятига ишга юборилиб, «Савой» шўро хўжалигида иқтисодчи вазифасида ишлай бошлади.

Мана, орадан олтмиш йил ўтгач, мен Ориф ака билан суҳбатлашар эканман, яқинда «Савой»да бўлганимни, унинг серҳосил далаларини, сўлим боғларини, муҳташам Маданият саройи ва ишчиларнинг обод уйларини эслайман. Бу файзли ўзгаришларнинг пойдеворига дастлабки ғиштларни қўйганлар орасида Ориф ака ҳам бор. Ориф ака илм ва маърифатдан дарс берган қанчаданқанча деҳқонлар, боғбонлар ва уларнинг фарзандлари ҳамон ерга муҳаббат ҳамда иқтисодда синчковлик, тежамкорлик анъаналарини давом эттирмоқдалар, ривожлантирмоқдалар. Умуман, йўл танлашда гап кўп. Тўғри йўл танлаган ва шу тўғри йўлга содиқ бўлган инсон ҳеч қачон доғда қолмайди, аксинча ҳар доим ҳурматда, ардоқда бўлади.

Тақдир Ориф акани турли манзилларга йўллади, энг баланд юксакликларга кўтарди, энг қийин синов-имтиҳонларга рўпара қилди, унча-мунча инсон кўтара олмайдиган юкларни унинг елкасига ортдики, агар мен оқсоқолимиз бажарган вазифаларни шу топда бирма-бир санаб ўтсам, ҳаётнинг аччиқ-чучугини унчалик татиб кўрмаган кишилар: «Оҳо, тақсирим роса давр сурган эканларку!» — дейишлари гумондан ҳоли эмас.

КЕЛИНГ, кўнгилда иштибо қолмасин, Ориф ака «Савой»дан кейин бажарган вазифаларни бирма-бир санаб ўтайлик.

То 1941 йилгача турли ташкилотларда иқтисодчи; Уруш ва ундан кейинги йилларда Тошкент, Қорақалпоғистон, Андижон, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Қўқонда раҳбарлик вазифаларида ишлаганлар, Ўзбекистон КП МК котиби бўлганлар. 1959—1961 йилларда республика Министрлар Советининг раиси, кейин узоқ йиллар СССР Марказий статистика Бошқармасида коллегия аъзоси ва бўлим мудири, сўнгра деярли ўн йил давомида, 1984 йилга қадар Ўзбекистон мева-сабзавот хўжалиги вазири ва 1984 йилдан то ҳозиргача Табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг раҳбари сифатида самарали фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Совет даврида бир инсон ва бир раҳбар қанчалик юксак вазифалар, олий нишонлардан иборат иззат-икром ва шон-шарафларга сазовор бўлиши мумкин бўлса, Ориф ака ҳаммасига бўлмаса ҳам кўп қисмига сазовор бўлган. Лекин, менинг кузатишимча ва тушунишимча гап бунда эмас, гап бошқа жиҳатда: Ориф ака ҳеч қачон юксак вазифа, шон-шуҳрат ва олий мукофотлар сеҳрига берилган эмас. У «Савой»да иқтисодчи бўлиб ишлаганида қандай бўлган бўлса, обком котиби ёки вазир бўлганида ҳам ўшандай камтар инсонлигича, талабчан мутахассислигича, меҳрибон раҳбарлигича қолган. У Чувалачи маҳалласидаги ота ҳовлисида қандай яшаган бўлса, юксак раҳбарларга берилиб, юксак раҳбарларга берилиб, ўзгаларга ҳеч ҳеч ҳеч

• ВИЛОЯТ ҲОКИМИ МИНБАРИ •

ХАЛҚ ТАЛАБИ—ҲАҚЛИ ТАЛАБ

Қашқадарё вилояти ҳокими Т. П. ХИДИРОВ билан суҳбат

— Темир Пўлатович, вилоятни бошқаришнинг ўзи бўлмайди. У эскича иш услубларидан бутунлай чиқиб, янгича ишлашни тақозо этади. Чунки даврнинг шуни талаб қилаяпти. Сиз вилоят ҳокими сифатида яқин келажакда қандай ишларни амалга оширишни мўлжаллаяпсиз?

— Аввало, умумий масалалар тўғрисида. Ҳозирги шарт-шароитдан келиб чиқиб, биз биринчи навбатда бошқарувнинг барча бўғинларида жумҳуриятимизнинг ўз хусусиятларига, тараққиёт даражасига, ишлаб чиқариш тизимига, кўп миллатлигига мос равишда бошқарув усулларини, шаклларини излаб топишимиз зарур. Шу боисдан ҳам республикамизда вилоят, район, шаҳар ҳокимликлари ташкил этилди.

Лекин вилоятга бўйсунувчи айрим районлар ҳудудида шундай шаҳарлар борки, уларнинг халқ хўжалиги, ижтимоий-маданий соҳалари тегишли районлар билан бир бутун. Уларни бир-биридан сира ажратиб бўлмайди. Илгари бундай шаҳар ва районларни ягона партия комитетлари бошқарган. Ижроия органлари мустақил бўлса ҳам ягона мувофиқлаштирувчи орган бўлган.

Бугунги кунда шаҳар ва районларнинг бошқаруви бир-биридан ажралиб қолди. Натижада ўзига хос қўш ҳокимиятчилик вужудга келди. Оқибатда баъзи масалаларни ҳал этишда бирмунча тўсиқларга дуч келинмоқда. Бизнингча, «Ўзбекистон жумҳуриятининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонун бу борада жиддий ўйлаб кўрилиб, тегишли қонун-далар билан тўлдирилиши керак.

Ҳозирча қишлоқ Кенгашлари ижроия қўмиталари тўғрисидаги тартиб эскича сақланмоқда. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ҳақидаги Ўзбекистон Қонуни ҳанузгача қабул қилинмади. Балки бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, бу Қонунни қабул қилишни тезлаштириш ёки бошқа қонун қабул қилиш лозим бўлар эди. Лекин нима бўлганда ҳам Кенгашларнинг қуйи бўғинларида тўпланиб қолган муаммолар ҳисобга олиниб иш тутилиши керак.

Иккинчидан, инсониятнинг кўп йиллик тараққиёт тажрибаси шуни кўрсатдики, иқтисодиёт бозор муносабатлари асосидагина самарали ривожланиши мумкин. Бунинг учун, энг аввало, мулкчиликнинг турли шакллари амалда қарор топиши ва улар ўртасида тенг ҳуқуқлиликка асосланган соғлом рақобат вужудга келиши шарт.

Ҳаётнинг энг биринчи талаби янги тузилган ҳокимлик идоралари ва уларнинг раҳбарларидан бозор муносабатларини шакллантиришни, шу билан бирга аҳолининг кенг қатламларида, айниқса, ишлаб чиқариш билан банд бўлган қисми — ишчилар, барча даражадаги раҳбарларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш вазифаси ҳам кун тартибига қўйилмоқда Шу боис ҳозирги вилоят ҳокимлиги ва жойлардаги ҳокимларнинг ташкилотчилик фаолиятини тарбиявий ишлар билан қўшиб олиб бориш биринчи ўринга чиқди. Зеро, кадрларнинг иқтисодий саводхонлигини оширмасдан туриб, муваффақиятга эришиш мумкин эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Энди икки оғиз — асосий ишларимиз ҳақида: вилоятимизда бозор муносабатларига ўтишда муҳим ўрин тутадиган омил ҳисобланган тизимлар, жумладан «Насаф» биржаси, бир неча брокерлик идораси фаолият кўрсатмоқда. Акционерлик жамиятлари тузиляпти. Мулкчиликнинг янги шакллари сифатида ҳозиргача 353 та деҳқон (фермер) хўжалиги, юзлаб кичик корхоналар, ширкатлар тузилди.

Тўғри, ҳозирча уларнинг фаолияти кўнгилдагидек эмас. Ҳатто ташкилотларнинг баъзилари ноқонуний ишлар билан ҳам шуғулланаяпти. Уларнинг бу хилдаги хатти-ҳаракатларига ўз вақтида барҳам берилди, албатта. Лекин булар ўтиш даврининг муқаррар камчиликлари, вақтинчалик ҳолатидир. Вилоят раҳбариятида мулкчиликнинг янги шаклларини ҳар томонлама иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, уларга шарт-шароит яратишга эътибор берилаяпти.

Ташкилотчилик ишларимизнинг яна бир йўналиши — чет эл фирма ва компаниялари, ишбилармонлари билан алоқалар ҳар томонлама кучайтирилиб, янги технология асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини, цехларини қуриш, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мос жиҳозлар, асбоб-ускуналар сотиб олиш, қўшма корхоналар барпо этиш ва шу йўналишдаги бошқа тадбирлардир.

Бу борада ҳам анча ишлар амалга оширилмоқда. Биз АҚШ, Туркия, Олмония, Франция, Испания, Италия, Саудия Арабистони ишбилармонлари билан алоқалар ўрнатдик. Ҳозир хўжалигимиз учун жуда зарур бўлган айрим соҳаларда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат билан боғлиқ ишлаб чиқаришни қайтадан шакллантиряпмиз. Кейинги икки йилда вилоятимиз шаҳар ва районларида 14 та саноат комбинати ташкил қилинди. Уларда гилам, атлас тўқиш, турли хил ширинликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бир қатор меҳнат жамоаларида бозор муносабатларининг турли масалаларини ўрганиш бўйича вилоятдаги ижтимоий-сиёсий марказ билан шартнома тузиб, иқтисодий ўқувлар қайта ташкил этиляпти.

— Нарх-навонинг ҳаддан зиёд кўтарилиб кетганлиги кўп жойларда бўлгани сингари Қашқадарё вилояти аҳолиси кайфиятига ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Ҳозир мураккаб аҳволдан чиқиш учун қандай муҳим чоралар кўриляпти?

— Албатта, нарх-наво ошган сайин аҳолининг турмуш даражаси пасаяди. Бу унинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Ҳозирги мураккаб аҳволдан чиқишнинг энг асосий омили маҳсулотлар ва буюмларни кўпайтиришдир. Жойларда бор маҳсулотларнинг аҳолига етиб боришини таъминлаш, тақчилликдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, бойлик орттиришга уринаётган, вазифасини суиистеъмол қилаётган кишилар қилмишига чек қўйиш учун жиддий чора-тадбирлар кўришимизга тўғри келяпти. Шу мақсадда маҳалла қўмиталари ва савдо ташкилотларининг бевосита алоқасини йўлга қўйдик. Маҳалла қўмиталари қайси дўконга канча маҳсулот берилганлигидан огоҳ бўлиб, ноёб маҳсулотлар жамоатчилик иштирокида тақсимланаяпти. Илк бор Қарши ва Косон шаҳарларида синалган бу тажриба ҳозир барча район ва шаҳарларда қўлланилмоқда.

Маҳсулот ва буюмлар таъминотида мўътадилликни сақлаб туришда ички бозорни ҳимоя қилиш ниҳоятда аҳамиятлидир. Ҳозир четга маҳсулот ташиб кетишга йўл қўймаслик мақсадида қаттиқ назорат ўрнатилган. Махсус инспекция кучи билан четга олиб кетилаётган жами 5 миллион сўмликка яқин озиқ-овқат ва саноат моллари ушлаб қолиниб аҳолига сотилди.

Аҳолининг озиқ-овқат ва бошқа буюмларига бўлган талабини иложи борича қондириш, бу борадаги вазиятни нормаллаштиришга ҳаракат қилаяпмиз. Вакилларимиз қўшни республикаларга бориб мол айирбошлаш юзасидан шартномалар тузишмоқда. Вилоятимиз билан Қозоғистоннинг Тўрғай вилояти ўртасида турли соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш юзасидан шартнома имзоланди.

Ўзаро фойдали, манфаатли алоқаларни ўрнатиш борасида бошланган йўл бундан кейин янада кенг тусда давом эттирилади. Шу ўринда жумҳуриятимиз раҳбариятининг давлат буюртмасининг 5 фоизи ва ундан ошган барча пахта толасини, шунингдек бошқа маҳсулотларнинг талай қисмини ўз ихтиёримизда қолдириш юзасидан қабул қилган ҳужжатлари жўда қўл келяпти.

— Аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилашга доир масала вилоят Кенгашининг кейинги сессиясида бежиз кўрилмади. Халқ нойблари савдо ташкилотлари ва уларнинг раҳбарлари номига жиддий эътирозлар билдиришди. Қабул қилинган қарор ҳам гоят кескин бўлди. Аммо ҳозирча ишда ўзгариш сезилмаяпти. Айтингчи, ҳокимият бу масалада аҳволни ўнглаш учун қандай чора-тадбирлар кўришни кўзда тутяпти?

— Бизнинг биринчи даражали вазифамиз қабул қилинган қарорнинг ижросини таъминлашдир.

Савдо хизматини яхшилаш учун, албатта, савдо нуқталарини давлат тасарруфидан чиқаришни тезлаштиришимиз зарур. Бу йўналишда оқилона иш тутилиши керак. Биринчи навбатда кадрлар билан ишлашни яхшилашимиз лозим бўлади. Савдо ходимларида ҳалоллик, поклик, халқпарварлик, оғир кунда халқ дардини ҳис этиш, халққа ёрдам бериш ҳислатларини тарбиялашимиз зарур. Шу билан бирга савдо нопок кишилардан тозаланиши керак.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишини ҳам тубдан яхшилаш, ижтимоий-сиёсий вазият учун уларнинг масъулиятини ошириш борасида бир қатор ишлар қиляпмиз. Участка инспекторлари ишини яхшилаш чора-тадбирлари ана шулар жумласидан. Уларга шарт-шароит яратиляпти, техника, алоқа воситалари билан таъминланмоқда. Қишлоқ жойларида ҳар бир участка инспектори ўз участкаси ҳудудида яшаши зарур. Шунда улар кечаю-кундуз халқ билан бирга бўлиб, вазиятнинг қай аҳволда эканлигини яхши ҳис этадилар.

Район, шаҳар ички ишлар бўлимлари, вилоят ички ишлар бошқармасида ҳам ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда тарбиявий ишларни кучайтириш керак.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари партиясизлантирилди. Лекин бу уларда тарбиявий-сиёсий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди, деган маънони билдирмайди. Биз янгича шароитда тарбиявий ишни янгича йўлга қўйишимиз керак. Аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида аҳлоқий тарбияни, ватанпарварликни, хизмат вазифасига виждонан ва ҳалол ёндашишни, адолатпарварликни, инсонпарварликни кенг тарғиб этишимиз даркор. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида давлат, халқ манфаатлари, адолат ҳар қандай қарашлардан устун бўлмоғи шарт. Шуларни назарда тутиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида кадрлар билан ишлашни ҳам, касб маҳоратини ошириш бўйича ҳам маълум ишларни амалга оширяпмиз.

Кадрлар зарур ҳолларда аттестациядан ўтказилиб, ҳар бир кадрнинг ишига атрофлича баҳо бериляпти. Тартиббузарликларга кескин чоралар кўрилаяпти. Ўтган йили салбий сабабларга кўра 15 ходим ишдан бўшатилган, 175 ходим эса интизомни бузганлиги учун жазога тортилган эди. Шундай бўлсада, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари устидан тушаётган ариза ва шикоятлар камаймаётир. Уларнинг ишида сансалорлик, кишилар тақдирига бефарқ қараш, масалага юзаки ёндашиш ҳоллари учраб турибди. Лекин ижобий томонга маълум силжишлар ҳам бор. Яқинда вилоят ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан учрашув ўтказилди. Мана шундай мулоқотларни тез-тез уюштириб туриш чоралари кўрилаяпти.

Ўрни келганда яна шуни ҳам айтмоқчиман: вилоят ҳокимиятида иш шундай ташкил этилганки, танқид ва ўз-ўзини танқидга алоҳида эътибор беряпмиз. Чунки ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз, ишда ютуқлар ҳам, нуқсонлар ҳам бўлиб туради. Шахсан менинг ўзим ҳам жиддий хато ва камчиликларга йўл қўяман. Зеро таёқнинг икки учи бўлганидек, ҳамма ишлар тўппа-тўғри, рисоладагидек боравермайди. Мана шундай пайтларда ҳокимият ходимлари бир-бирларининг, шунингдек, менинг ҳам хатоларимни юзимга тўғри айтиб, кўрсатиши табиий ҳол бўлиб қолган. Ҳамма гап—нуқсонларни вақтида бартараф этишдир. Биз кундалик ҳаётда мана шу тарзда иш олиб боришга ҳаракат қиляпмиз.

— Республикамиз Президентининг ҳар бир Фармони халқнинг ҳоҳиш-иродасига мос тушаётир. Айтингчи, Президентнинг аҳолининг турмушини яхшилаш, қишлоқларни газлаштириш ва ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги Фармонлари вилоятда қандай бажарияпти?

— Ўтган икки йилда 1059 километр газ қувурлари, 753 километр водопровод линиялари қуриб битказилди. 1992 йил учун белгиланган режаларни ҳам тўла бажариш чоралари кўрилаяпти. Халқимизнинг ижтимоий шароитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар бундан кейин ҳам асосий эътиборимизда бўлади.

— Сўнгги савол: Темир Пўлатович, ҳокимлик осон иш эмас. Уз вазифангизни бажаришда кимларга таянаяпсиз? Халқ демократик партияси фаолларига ҳам суянаяпсизми?

— Раҳбарлик фаолиятида мен, аввало, ёнимда ишлаётган мутахассис кадрларга, ҳалол, ишбилармон, халқ учун жонкуяр кишиларга таянишга ҳаракат қиляпман. Шу жумладан, Халқ демократик партияси фаолларига ҳам. Улар орасида ишнинг кўзини биладиган, халқ учун чинакамига қайғурадиган кишилар жуда кўп. Менинг ўзим ҳам ана шу партия вилоят Кенгашининг аъзосиман.

Халқ демократик партияси аъзолари менинг сиёсий маслакдошларимдир. Аммо бу мен бошқа партия аъзолари билан мулоқот қилишни истамайман, деган маънони билдирмайди.

Сиёсий, диний эътиқодларидан, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, Қашқадарё ва мустақил Ўзбекистон учун амалий иш қилишни, халққа хизматни сиёсатбозлик билан чалкаштирмайдиган ҳар бир софдил киши билан, мутахассис билан ҳамкорлик қилишга тайёрман. Аммо, сафсатабозлик, сиёсатфурушлик қилишга асло тоқатим йўқ.

Суҳбатни «Ўзбекистон овози» мухбири М. КАРОМОВ ёзиб олди.

● САМАРҚАНД. Ўзбекистон халқлари тарихи, маданияти ва санъати республика музейида «Интеразия—92» халқаро кўргазмаси очилди. Бу ерда Ўзбекистон, Мустақил Ҳамдўстлик мамлакатлари, Афғонистон, Хитой, Корея, Япония, бошқа ҳорижий давлатларнинг қўшма, хусусий корхоналари ҳамда фирмаларининг маҳсулотлари намойиш этиляпти.

СУРАТДА: кўргазма залида.

Р. ҒАФУРОВ олган сурат. (ЎзА).

• СПОРТ •

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИНИ КЎЗЛАБ

● Мустақил Ўзбекистон спорт соҳасида ҳам собит қадам ташламоқда.

Халқаро олимпиада қўмитасига собиқ иттифоқчи республикалар қатори мувақкат аъзоликка қабул этилган республикамиз Барселонада ўтказиладиган йирик спорт анжуманига ҳозирлик кўрмоқда. Тошкент эса олимпиада ўйинларини ўтказишга даъвогар шаҳарлар рўйхатидан жой олиб турибди.

Куни кеча яна бир хушхабар тарқалди. Ўтган куни Осиё олимпиада кенгашининг нуфузли йиғилишида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари миллий олимпиада қўмиталарини мазкур ташкилотга мувақкат аъзоликка қабул қилингани эълон қилинди. Шундай қилиб Ўзбекистон спортчилари 1994 йили Японияниг Хиросима шаҳрида ўтказиладиган ёзги Осиё ўйинларида иштирок этиш имкониятига эга бўлишди. Бунинг учун зарур ҳужжат ва Осиё ўйинларида иштирок этиш ҳақидаги талабнома Осиё олимпиада кенгашига тақдим этилди. Спортнинг бир қанча турлари бўйича ўтказиладиган йирик анжуманда 40 дан ортиқ мамлакат вакилларининг иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

БОРЛИҚ ОЛДИДА ЖАВОБГАРМИЗ

— Кимё саноати чиқиндилари атроф-муҳитни булғаб табиат мувозанатини издан чиқараётир, инсон саломатлигига путур етказаётир, сув, ҳаво, тупроғимизни яроқсиз ҳолга олиб келаётир. Бу корхоналар жумҳуриятимизда тиқиштириб жойлаштирилиши экологик аҳволни издан чиқариб қўйди. Бугун уни тикламасак, экологик бухронликни бартараф этиш чораларини кўрмасак, эртага кеч бўлиши мумкин, дейди жамоатчи мухбиримиз Р. Акбаралиев билан суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси прокурори, биринчи тонфадаги ҳуқуқшунос Низоми ФАРЗАЛИЕВ.

— Ҳозир Оролбўйи, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисми аҳолиси, Сариосиё райони халқининг яшаш шароити танг аҳволда, —сўзини давом эттирди у. — Ишлаб чиқариш корхоналари ўз чиқиндиларини белгиланмаган жойларга олиб бориб ташлаётганлиги, таркибида турли кимёвий элементлар бўлган заҳарли оқаваларни тўғридан -тўғри ариқ ва каналларга оқизиб юбораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Салмоқли жарималар солинаётганлиги, қонуний чоралар кўрилаётганлиги ҳам баъзи боқибеғам раҳбарларни тартибга чақира олмаяпти. Улар экологик муносабатга панжа орасидан қарамоқдалар. Бундай хўжасизлик оқибатида ҳаво булғанмоқда, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси қирилиб кетмоқда. Статистика маълумотларига қараганда, фақат ўтган йилнинг ўзида 300 миллион кубметр заҳарли оқава сувлар канал ва дарёларга, Чирчиқ шаҳридаги корхоналардан чиққан 200 миллион кубметрдан ортиқ тозаланмаган оқава сув эса очиқ сув ҳавзаларига оқизиб юборилган. Бунинг оқибатида 20 фоиз ерости ичимлик суви истеъмол қилишга яроқсиз ҳолга келган. Табиатни ифлослантириш «пойгасида» Чирчиқ электр кимё саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси «голиблик»ни қўлдан бермай келяпти. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда олиб борилган текшириш натижасида биз нафас олаётган ҳавони булғаб келаётган Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Фарғонанефтеоргсинтез», «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Мўборак газни қайта ишлаш заводи, атмосферани белгиланган нормадан уч баравар ортиқ заҳарли чанг билан «таъминлаётган» Қувасой, Оҳангарон ва Бекобод цемент заводлари экологик мувозанатни бузувчи ҳақиқий «пойгачилар» эканлиги аниқланди. Бунга ҳавонинг деярли 60 фоизини булғаётган транспорт воситаларини қўшадиган бўлсак, ҳозирнима билан нафас олаётганлигимиз маълум бўлади қўяди.

Ерларимиз ҳолдан тойган. Кимёвий ўғитсиз «яшай» олмай қолди. Бундай ердан олинаётган маҳсулотларни истеъмол қилаётган халқимиз ҳам аста-секин соғлиғини йўқотиб бормоқда. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги кимёвий ўғитлар ишлаб чиқариш бирлашмаси йилига хўжаликларни бир миллион тоннадан кўпроқ турли кимёвий ўғитлар, 80 минг тоннага яқин заҳарли пестицид ва гербицидлар билан таъминламоқда. Баъзи вилоят агросаноат бирлашмалари уларни сақлашда хўжасизликка йўл қўймоқда. Натижада ўғитлар талон-торож қилинмоқда ва керагидан ортиқ ерга солинмоқда. Бунинг оқибати эса ҳаммамизга маълум...

— Сиз юқорида халқимиз саломатлигини йўқотмоқда, деб айтдингиз, илтимос шунга бироз аниқлик киритсангиз...

— Ҳисоблаш марказининг аниқ маълумотларига кўра, кейинги 15 йил давомида Ўзбекистонда инсон умри бошқа жумҳуриятларга қараганда сезиларли даражада қисқарган. Қорақалпоғистон, Тошкент, Фарғона вилоятларида умумий касалланиш анча ўсган. Ўпка сили, ошқозон-ичак раки, оққон касаллиги ва касалликнинг бошқа турлари Оролбўйи ҳудудида ўсиб бормоқда. Сурхондарё вилоятининг Сариосиё райони аҳолиси орасида эса, сариқ касаллиги (вирусли гепатит), организм ўсишига тўсқинлик қилувчи бактерия, камқонлик каби касалликлар кўпайиб бормоқда. Ҳозирга келиб 14 ёшгача бўлган болаларда хроник бронхиал касаллиги 37 фоизга ортган. Кўпчилик қишлоқ аҳолиси сувни очиқ сув ҳавзаларидан истеъмол қилишлари натижасида сурункали ўткир ошқозон-ичак касаллигидан азият чекмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳисоб-китобига кўра экологиянинг бузилиши сабабли келиб чиққан турли касалликлар оқибатида йилига 280 миллион сўмдан кўпроқ зарар кўрилмоқда...

— Шундай экан, Республика ва вилоят прокуратуралари табиатни ифлослантирувчи экологик ҳуқуқбузарларга қарши қандай кураш олиб боряпти?

— Айни ҳозирги кунда табиатни муҳофаза қилиш, уни бузувчиларга қарши курашиш барчамиз учун энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа бўлиб турибди. Ўтган йилнинг ўзида прокуратура томонидан табиат мусаффолигини сақлаш, ишлаб чиқариш корхоналари, колхоз, совхоз, ширкатлар ва жамоат ташкилотлари томонидан бу бурч қандай бажарилаётганлигини аниқлаш мақсадида 600 дан ортиқ текшириш ўтказилди. Экологик ҳуқуқбузарларни жиноий жавобгарликка тортиш қонунда қайд этилганига қарамасдан уни қўпол равишда бузган айрим ҳуқуқбузар раҳбарлар устидан жиноий иш қўзғатилиб, иш терговга оширилди. «Фарғонанефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қувасой цемент комбинати, Қадамжой сурма комбинатлари шуларга жумласидандир. «Фарғонанефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари илгари ҳам бир неча бор огоҳлантирилганликларига қарамасдан, табиат муҳофазасига етарли эътибор бермаганлар. Натижада Қиргули, Тошлоқ райони ерости ичимлик суви ифлосланиб, истеъмол қилишга яроқсиз ҳолга келган. Бирлашма раҳбарлари Ўзбекистон Жиноят Мажмуаси 215-моддасининг 1-қисми 2-банди билан жиноий жавобгарликка тортилди. Фарғона шаҳар прокуратураси Қадамжой сурма комбинати раҳбарларини Ўзбекистон Жиноят Мажмуаси 215-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топиб, улар устидан жиноий иш қўзғатди. Сабаби, комбинат йил давомида режа кетидан қувиб, ахоли саломатлиги хусусида ўйламаган. Натижада атроф-муҳит ифлосланган, тупроқ юза қисми ва ерости ичимлик суви заҳарланган. Шунингдек, вилоят прокуратураси томонидан ҳавони мунтазам ифлослантиргани учун Қувасой цемент заводи раҳбарлари устидан жиноий иш қўзғатилди (тергов ишлари олиб борилаётганлиги сабабли баъзи маълумотларни суд ҳукмидан сўнг маълум қиламиз). Табиат муҳофазасига панжа орасидан қараганлиги учун Фарғона ноҳияси ижроқўми раисининг биринчи ўринбосари Н. Маматжонов, вилоят санитария эпидемиология бошқармасининг бош врачи О. Ғуломжонов, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М. Кутуев, «Оҳангаронқурилиш» бошқармаси бошлиғи Н. Коренной, «Олмалиққўрғошин» бошқармаси бошлиғи Л. Яхнис, «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Фёдоров ва бошқа табиатни ифлослантирувчи экологик ҳуқуқбузар корхона раҳбарлари жиддий огоҳлантирилди.

— Бундан тўрт ой муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экологик ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни эълон қилинган эди...

— Мазкур қонун экологик ҳуқуқбузарлик учун корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида собиқ Ўзбекистон ССРнинг 1959 йил 21 майдаги Қонуни билан тасдиқланган Жиноят Мажмуасининг баъзи бандларига ўзгартиришлар киритилди. Масалан, қонуннинг биргина 215-моддаси 1-қисмини оладиган бўлсак, дарёлар, кўллар ва бошқа очиқ сув ҳавзаларини ишлаб чиқариш корхоналари, саноат, қишлоқ хўжалиги, коммунал ва маиший хизмат комбинатларидан чиқадиган тозаланмаган ва зарарсизлантирилмаган оқава сувлар, кимёвий моддалар, чиқинди ва чиқитлар билан ифлослантириш натижасида кишилар соғлиғига, ҳайвонот дунёсига ёки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига зарар етказилса, ёҳуд зарар етказилиши аниқ бўлса, шунингдек ҳаво ёки тупроқни саноат ишлаб чиқаришининг зарарли бўлган чиқиндилари, кимёвий моддалар билан ифлослантириш натижасида кишилар соғлиғига зарар етса ва ҳудди шундай ҳатти-ҳаракатлар оғир оқибатларга олиб келса, айбдорлар беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилади ёки икки йилгача аҳлоқ тузатиш ишларига жалб этиш билан жазоланади.

Биз прокуратура ходимлари бундан кейин ҳам ҳавомизнинг софлигини, сувимизнинг тиниқлигини, тупроғимизнинг тозалигини булғаётганларга қарши қонун йўли билан барча жазо чораларини қўллайверамиз.

БИЗ ВА АТРОФ-МУҲИТ

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

МАЙ ТАРАДДУДИ

● Куба инқилоб ҳимояси комитетлари миллий раҳбариятининг вакили Висенте Пинеда журналистлар билан учрашди. У бу йил Куба пойтахти Гаванада ўтказиладиган биринчи Май номойиши хусусида ахборот берди.

Вакилнинг айтишича пойтахтнинг Инқилоб майдонига Гавана аҳолисининг тўртдан бир қисми келиши кутиляпти. Намойишда «социализм ва президент Фидел Кастро ҳимоя қилинади».

Меҳнаткашлар бирдамлиги ҳалқаро куни байрамида қатнашиш учун чет эллардаги турли сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг 50 дан зиёд делегацияси таклиф этилган.

ЗИЁРАТ УЧУН ҚУЛАЙЛИК

● Эрон кемалари собиқ ССРдаги мусулмон республикаларидан ҳаж сафарига борувчилар учун билет беришга тайёр.

ИРНА ахборот маҳкамаси «Вальфаджр ширринг лайнс» компанияси директори Аҳмад Маҳмалининг гапларига асосланиб шуни хабар қилди. Маълум бўлишича, Эрон Ўрта Осиё мамлакатларидан Ислом оламининг муқаддас шаҳарлари — Макка ва Мадинани зиёрат қилиш учун борадиган кишиларга ўз хизматини таклиф қилаётир. Компания теплоходлари Форс кўрфази соҳилидаги Эрон портларининг биридан мунтазам қатнайди. Йўловчилар шу теплоходлар ёрдамида Саудия Арабистони портларига етиб олишади. Муқаддас шаҳарларга бориш шу йўл билан арзонга тушади.

ЯПОНИЯ ДАЪВАТИ

● Япония ташқи ишлар вазирлиги баёнот тарқатди. Баёнотда Украина, Беларусь ва Қозоғистонни тезроқ ядросиз давлатга айлантиришга чақирилади.

Матбуот котиби номидан тарқатилган баёнотда Россияга ҳам катта умид билдирилади. Бу давлат Совет Иттифоқининг вориси сифатида ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаради.

МАҚБУЛ ЙЎЛ

● «Афғонистон ислом жамияти» гуруҳи раҳбари Аҳмад Шоҳ Маъсуд Франсияда чиқадиган «Либерасъон» рўзномаси мухбири билан суҳбат қилди. У Афғонистондаги ҳозирги ҳамма мушкулотлар куч ёрдамида эмас, балки музокаралар давомида ҳал этилиши керак деди.

Раҳбарнинг фикрича, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таклиф этган режанинг қатор қоидалари энг мақбул йўлдир. Мақсадимиз Нажибулло тузумига қаршилик кўрсатишда қатнашган барча гуруҳлар билан музокара олиб боришдир деди у суҳбат давомида.

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОЗОР

● Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош вазири Ли Пэнь Пекинда ўтказилаётган халқаро анжуманда сўзга чиқди.

Хитой иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида ривожлантириш йўлида содиқлигини тасдиқлади, деди бош вазир. Мамлакатда бир марказдан режалаштириладиган иқтисодий соҳалар тобора камаймоқда, халқ хўжалиги бозор изига ўтмоқда. Ана шу тамоил кенгайиб борши кўрсатиб ўтилди.

МУЗОКАРАНИНГ БЕШИНЧИ ДАВРАСИ

● АҚШ давлат департаменти Яқин Шарқдаги аҳволни тинч бартараф этишга музокараларнинг бешинчи мўлжалланган Араб-Исроил давраси 27 апрель куни бошланишини маълум қилди.

Учрашув Вашингтонда бошланади. Шундан кейинги мулоқот Рим шаҳрида бўлади. Музокара иштирокчилари ўртасида бу ҳақда бир битимга келинди. Аммо Италия пойтахтидаги учрашув муддати белгиланганича йўқ.

(Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида тайёрланди).

• Санъатимиз жонкуярлари •

ҲОРМАНГ, ҲОФИЗ

Маҳалла чойхонаси кексалар билан анча гавжум. Суҳбат авжида.

— Кўпдан буён кечагидек дилбар қўшиқлар тингламаган эдим, — деди отахонлардан бири.

— Барака топсин телевидение ходимлари, — деди иккинчиси, — ўзи ҳам бисотидаги бор ашуласини айтди, дейманов.

— Нима деяпсиз, унинг айтган қўшиқларини ойлаб эшитсангиз ҳам тугамайди. Ўзиям мириқиб куйлади, биз ҳам мазза қилиб тингладик-да, — деди бошқа бир қўшиқ шайдоси.

Дарҳақиқат, бир кун олдин Ўзбекистон телевидениесидан таниқли ҳофиз Орифхон Ҳотамовнинг ижодига бағишланган кўрсатув намойиш этилганди. Чойхонадаги хурсандчилик, таассурот ана шундан эди.

Суҳбатдан таъсирланиб, фахрланиб уйга қайтдим. Хаёлимдан кўп қўшиқ-куйлар бирма-бир ўта бошлади. Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Қора кўзим» ғазали билан айтиладиган «Ушшоқ», «Келмади» ғазали билан айтиладиган «Муножот», Огаҳийнинг «Феруз» ва Мискиннинг «Изларман»и...

Бундай умри узоқ қўшиқларни устоз ҳофизларимиздан Мулла Тўйчи, Акбар Ҳайдаров, Домла Ҳалим Ибодов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқовлар ўз вақтида маромига етказиб куйлаб, халқ олқишига сазовор бўлган бўлсалар, бугунги кунда уларни давом эттирувчилардан бири Орифхон Ҳотамовдир.

Орифхон ака серқирра ижодкор. Эл-юрт ҳурматини қозонган хонанда бўлиш билан бирга яхши созанда, қолаверса, моҳир бастакор ҳам. У куй басталаган ашулаларнинг мусиқасини хиргойи қилсангиз, ғазалнинг сўзлари, сўзларни ёдингизга олсангиз эса, унинг мусиқаси хаёлингиздан ўтаверади. Шу боисдан ҳам халқимиз Орифхон Ҳотамовни ҳурматлаб, бастакор ҳофизимиз, дейди. Шу ўринда кўплаб дилбар қўшиқларнинг ижодкори, Ўзбекистон халқ шоири марҳум Туроб Тўланинг бир эътирофини эслаб ўтмоқчиман. «Бугунги кунда, — деган эди у, — мумтоз (классик) ашулаларни Орифхон Ҳотамовдек ширали овоз билан, ўзига хос услубда, маромига етказиб, мафтункор ижро этадиган хонандалар кам, десам хато қилмаган бўламан». Барҳаёт шоиримиз мутлақо ҳақ гапни айтган эди.

Ўзбек миллий мусиқа санъатига қадам қўйиши билан астойдил хизмат қилиб келаётган Орифхон Ҳотамов репертуарини кузатсангиз халқ дардини, орзу-умидларини, жасоратини тараннум этган ўнлаб, юзлаб қўшиқларни учратасиз. Уларнинг ижроси ҳеч қачон бир-бирига ўхшамайди. Устозлар анъаналари ва тажрибалари асосида яратилган ашулалар ҳам ўзининг янгича чиройи, аниқроғи, оригинал талқини билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам мусиқа санъати изланишларини тадқиқ этаётган олимлар Ориф ака ижоди ҳақида тўхталганларида унинг ўзига хослигига, янгича товланишларига айрича ҳурмат билан муносабатда бўладилар. Ҳофизни ҳақиқий фидоий санъаткорларнинг фаол сафдошлари қаторида эътироф этадилар.

Ўзбекистон Телевидениеси ва радиоэшиттириш давлат қўмитасида бирга ишлаган йиллари, бир куни Орифхон акадан «Ҳаётингизда ҳеч ёддан чиқмайдиган воқеалар кўп рўй берган бўлса керак-а?» деб сўрадим. «Бўлмасам-чи, мана биттасини эшитинг», деди-да санъаткор ҳикоя қила кетди:

— Ёшлигимдан санъатга қизиқар эдим. Билиб-билмай дуторни чертиб, хиргойи қилиб юрардим. Бирор жойда санъаткорлар йиғилишган бўлишса, (устозлар тез-тез йиғилишиб, давра суҳбатлари ўтказиб туришар эди) уларга хизмат қилишга ошиқардим. Шундай кунларнинг бирида Маъмуржон ака мени ёнига чақириб, қани бизга ўзинг севган қўшиқдан биттасини айтиб бер, деб қолди. Кутилмаган бу таклиф мени шошириб, ҳаяжонлантириб қўйди. Дуторни созлар эканман, қўлим титраб турарди. Ҳолатимни сезган устоз «шошмасдан, паст пардада ол», деди. Мен биринчи бор Алишер Навоийнинг «Вафо қилсанг» ғазали билан айтиладиган «Тошкент ушшоғи» қўшиғини айтиб бердим. Ва, жимгина ерга қараб ўлтирдим.

— Овозинг ёмон эмас, лекин, билгилки, яхши овози борларнинг ҳаммаси ҳам санъаткор бўлавермайди, — дейишди устозлар. — Фақат изчил меҳнат эвазигагина етук ижрочи бўлиб шаклланиш мумкин. Шунинг учун яхшилаб ўйлаб кўр. Ярим йўлда ташлаб кетадиган бўлсанг, яхшиси, бу йўлга кирма.

— Орифхонга ишонса бўлади, — деди Маъмуржон ака.

Шу куни кечаси билан мижжа қоқмадим. Устознинг сўзлари хаёлимда қайта-қайта такрорланар эди...

«Ишонса бўлади»... Чин дилдан айтилган бу сўз менда санъатга катта умид боғлади. Кейин билсам, бу кириш имтиҳони экан...

Мен устозлар, уларнинг ўгиту даъватлари туфайли бугунги даражага етганман. Шунинг учун ҳар қачон қўшиқ яратарканман ёки куйлаш учун қўлимга дутор оларканман, энг аввало уларнинг руҳи олдида таъзим қиламан.

Орифхон Ҳотамовнинг ўзи ҳам бугунги кунда меҳрибон устоз. Унинг кўмаги, йўл-йўриқлари билан кўплаб ёшлар мусиқа санъатида ўз йўлини топиб кетишган. Уларнинг ижрочилигини, репертуарини назардан ўтказсангиз, моҳир устозлари куйлаб келаётган дилкаш қўшиқларни кўрасиз, кишини сел қилувчи куйларини тинглайсиз. Орифхон ака шогирдларини биринчи навбатда миллий санъатимиз дурдоналарини бекаму кўст ўрганишга, шундай изланишлар билан фаолият кўрсатишга чорлайди. Асрлар оша янграб келаётган тароналарга янгича жилолар бериб, ижодий ёндашишга даъват этади. Матлуба Дадабоева, Маҳбуба Ҳасанова, Бекназар Дўстмуродов сингари ўнлаб ёш ҳофиз-ҳофизалар ана шу даъватга амал қилганликлари учун ҳам ҳозир эл эътирофига сазовор бўлаётган ижрочи сифатида танилганлар. Вундай эътироф, олқиш устозга жўшқин илҳом бағишлайди, албатта.

Моҳир санъаткор, кексаликка тан бермай, ҳамон фаол изланишлар билан банд. Ижодий жамоалар ва хонандалар учун янги асарлар ёзиб беради, халқ сайиллларида қатнашиб, ижрочилик маҳоратини намойиш этади, ёшларнинг кўрик-танловларида иштирок этиб, фикр-мулоҳазалари, тажрибалари билан ўртоқлашади. Мусиқа санъатимизнинг долзарб муаммолари хусусидаги қалб сўзларини айтади.

Санъатимизнинг жонкуярларидан бири бўлган Орифхон Ҳотамовнинг дилбар қўшиқлари парвози янада баланд бўлишига тилакдошмиз.

Ғ. ЖАББОРОВ.

● Халқ севган ҳофиз Орифхон Ҳотамов ўз шогирдлари — Матлуба Дадабоева ва Маҳбуба Ҳасанова билан.

• Қадрият ва анъаналар •

МАРОҚЛИ ВА МАЗМУНЛИ

«Қизилқир» сайлгоҳи ҳар қачонгидан гавжумлашди. Бу ерда Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги олдидан ўзига хос байрам ташкил этилди. Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон вилоятларида қадим замонлардан расм бўлган турли халқ ўйинларини томоша қилгани Америка, Япония ва Эрон ишбилармонлари ҳам ташриф буюришди.

Халқ ўйинлари байрами Жиззах вилоятида иккинчи марта ўтказилиши. Байрамни ташкил этиш ва ўтказиш қўмитаси раиси, вилоят хокимининг ўринбосари Гуландом Субҳонова тантанани очиқ деб эълон қилди. Кейин вилоят ҳокими Э. Турсунов, Фориш райони ҳокими Э. Қозоқовлар байрам иштирокчиларини, меҳмонларни муборакбод этдилар. Эроннинг «Арванд-сервис» фирмаси президенти Жовард Хотамий, америкалик диетолог доктор Комилахон Мосслар ўзига хос анжуманнинг гувоҳи бўлиб туришганидан мамнуният изҳор этишди. Мустақил Ўзбекистонда миллий расм-русумлар, инсоний қадриятлар тикланаётганлигидан қалбларга сурур бахш этди.

Сайлгоҳга тўпланган минглаб томошабинлар унутилиб бораётган халқ ўйинларининг 11 турини ҳамда бухороча кураш мусобақаларини томоша қилдилар. Майдон эгалари — форишликларнинг «Отиб қочар», «Қулоқ чўзма», «Бўрон жинди» ўйинларида кўрсатилган маҳоратларидан чинакам завқландилар. Пахтакор район ёшларининг «Дўппи туширди», зоминликларнинг «Қиркқтош» баҳслари мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Дўстлик райони полвонларидан Н. Қиличев, Э. Боқиев, Жиззах районидан О. Ғайратов, С. Ўруновлар шахсий ҳисобда ғалаба қозонишди. Форишлик М. Ҳаётова, Н. Ҳамроева, пахтакорлик О. Султонов, Б. Умурзоқов, У. Шерназаровлар ҳам халқ ўйинларини мукаммал билишларини амалда намойиш этишди. Байрамда вилоят фолкьлор дасталарининг кўрик-танлови ҳам ўтказилди.

Байрам якунида Арнасой райони қизларининг уддабуронлиги, бахмалликлар урф-одатларга усталик билан ёндашишгани, ғаллаорол-ликларнинг ташкилотчилиги, шунингдек, Жиззах шаҳри маҳаллаларининг фаоллиги ва Октябрь райони жамоасининг миллий кийим-кечакларга эътибор беришгани алоҳида таъкидланди. Вилоят ҳокими ўринбосари Г. Субҳонова, ЎзХДП вилоят кенгашининг котиби Т. Агламова ва спорт фахрийлари О. Умаров билан А. Отақўловлар мукофотларни топширишди.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Халқ сайлидан лавҳалар.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ

КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: умумий физика (физик бўлмаганлар учун), инглиз филологияси, қиёсий-типологик тилшунослик, педагогика, табиий фанлар, амалий математика ва механика факультетида умумий математика, умумий механика, физика факультетида олий математика, оптика, астрономия, физикавий кимё, қуруқлик гидрологияси, археология, умуртқасиз ҳайвонлар зоологияси, ўзбек совет адабиёти, умумий кимё;

профессорлар: инглиз филологияси, ЭҲМнинг математикавий таъминоти (3), алгебра ва сонлар назарияси; телевидение ва радиоэшиттиришлар (0,25), аналитик кимё, ўзбек тилшунослиги, яхлит муҳитлар механикаси, математикавий физика (0,25);

доцентлар: табиий факультетларда сиёсий иқтисод, француз филологияси (2), математикавий таҳлил (3), тупроқ физикаси ва мелиорацияси, чет элликлар учун рус тили (3), экология ва атроф муҳит муҳофазаси (3), умуртқасиз ҳайвонлар зоологияси, табиий фанлар, физика факультетида олий математика (3), петрография, ЭҲМ ва дастурлаштириш (4), ҳозирги замон рус тили, ижтимоий факультетларда сиёсий тарих (2), педагогика (3), эҳтимоллар назарияси ва математикавий статистика (2), функционал анализ (3), амалий математика ва механика факультетида умумий математика, амалий статистика ва амалларни тадқиқотлаш (2), ЭҲМнинг математикавий таъминоти, яхлит муҳитлар механикаси (3), умумий физика, физика факультетида олий математика (2), назарий физика (2), ядрофизикаси ва космик нурлар, атмосфера физикаси, физика ўқитиш услубиёти, ноорганик кимё, коллоидли кимё, юқори молекуляр бирикмалар кимёси ва технологияси, синтетик полимерлар кимёси, кимё фанини ўқитиш услубиёти, қуйи қувватлар ядро физикаси (2), иқтисодий география, ижтимоий география ва аҳоли нуфузи, геодезия ва хариталашунослик, қуруқлик гидрологияси (2), фалсафа тарихи ва мантиқ, ижтимоий факультетларда фалсафа (3), сиёсатшунослик (2), ишлаб чиқаришда иқтисод ва бошқарув, иқтисод факультетида сиёсий иқтисод, табиий факультетларда сиёсий иқтисод, ижтимоий факультетларда сиёсий иқтисод, янги ва энг янги тарих, ССЖИ тарихи (3), этнография, қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи, тупроқшунослик, ўсимликлар физиологияси, одам ва ҳайвонлар физиологияси (2), ўсимликлар морфалогияси ва цитоэмбриологияси (2), умумий геология тадқиқотлашнинг геофизика усуллари минералогия, немис филологияси, ижтимоий фанлар; табиий факультетларда немис ва француз тиллари, ўзбек тилшунослиги, турк филологияси (2), ўзбек совет адабиёти, умумий тилшунослик, ССЖИ халқлари адабиёти, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш услубиёти, рус адабиёти (2), рус тили тарихи ва диалектологияси, таржима назарияси, совет ҳуқуқи;

катта ўқитувчилар: табиий факультетларда фалсафа (ўзбек тилида), умумий математика, тупроқшунослик, умумий геология (2), қиёсий типологик тилшунослик ва таржима, ҳозирги замон рус тили, табиий бирикмалар кимёси, математика ўқитиш услубиёти, чет эл адабиётшунослиги ва танқиди, ЭҲМ ва дастурлаштириш (3), ҳозирги замон рус тили, математикавий таҳлил, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш услубиёти, ижтимоий факультетларда сиёсий тарих, педагогика, 1-жисмоний тарбия (3), 2-жисмоний тарбия (2), тиббий ҳамширалар тайёрлаш, табиий фанлар, дифференциал тенгламалар, ЭҲМнинг математикавий таъминоти, умумий физика (2), олий математика (2), квантли радиофизика, физикавий электроника, оптика (2), ядро физикаси ва космик нурлар, география ўқитиш услубиёти (0,5 ўрин), иқтисодий география, руҳшунослик сиёсатшунослик, иқтисод, ва ишлаб чиқаришни бошқариш (2), иқтисод факультетида сиёсий иқтисод, табиий факультетларда сиёсий иқтисод, ижтимоий факультетларда сиёсий иқтисод (2), маданият тарихи ва назарияси, тадқиқотлашнинг аэрокосмик усуллари, петрография, тадқиқотлашнинг геофизика усуллари (2), роман-герман тилшунослиги, чет эллик фуқаролар учун тайёрлов факультетида рус тили, табиий факультетларда рус тили, ижтимоий факультетларда немис ва француз тиллари, ижтимоий факультетларда инглиз тили, турк филологияси, ўзбек нутқ маданияти, гидрогеология ва муҳандислик геологияси;

ўқитувчилар: этика ва эстетика (2), 2-жисмоний тарбия, иқтисодий география, ижтимоий география ва аҳоли нуфуси, руҳшунослик (5), дин ва ҳурфикрлилик тарихи ва назарияси, иқтисод факультетида сиёсий иқтисод, ССЖИ тарихи, совет ҳуқуқи, умумий геология, инглиз филологияси, француз филологияси (2), чет элликлар учун рус тили (2), чет эллик фуқаролар учун тайёрлов факультетида рус тили, ижтимоий факультетларда рус тили, табиий факультетларда немис ва француз тиллари, турк филологияси, ўзбек тили, ўзбек классик адабиёти, рус адабиёти, таржима назарияси, ҳозирги замон рус тили, даврий матбуот назарияси ва амалиёти (2), журналистика тарихи;

ассистентлар: математика факультетида умумий математика, дифференциал тенгаламалар, алгебра ва сонлар назарияси (2), геометрия ва топология, табиий фанлар, ҳисоблаш математикаси (2), амалий математика ва механика факультетида умумий математика (2), амалий статистика ва амалларни тадқиқотлаш, ЭҲМнинг математикавий таъминоти, умумий механика, амалий математика, умумий физика, фалсафа (2), агрокимё, биокимё, одам ва ҳайвонлар физиологияси (1,75 ўрин), тадқиқотлашнинг геофизика усуллари.

Табиий бирикмалар кимёси муаммолар лабораторияси **мудири;**

«Магнетизм ва геодинамика» илмий-тадқиқот лабораторияси **илмий ходимлари (2),**

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 13 МАЙГАЧА

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700095 Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Тошкент давлат дорилфунуни, маъмурий бино, 6-қават, расмийлаштириш бўлими, 68-хона.

Телефон: 46-54-64.

БИККС

Агарда Сиз нозиктаъб, диди баланд, сердавлат соҳиб бўлсангиз-у идорангиз ёки хизмат бинонгиз таъмирталаб бўлиб қолган бўлса, - демак Сиз бизга мижоз экансиз!

"БИККС" ассоциацияси инсоф доирасидаги ҳақ эвазига бинонинг қулай ва шинамлигини таъминлашни ҳамда хоналарнинг бетакрор ички жиҳозланишини ўз зиммасига олади.

Фақат **"БИККС"**гина Сизларни тўлиқ жамланган терма ҳолидаги қуйидаги манзарали пардозлаш элементлари /айтилган жойга элтиб бериш ва ўрнатиш билан/ билан таъминлай олади:

зарҳал ва оқ тусли алюминийдан ясалган осма шифтлар;

ранги, ўлчамлари ва услуби жиҳатидан ҳар хил, фақат юксак сифати-ю бирмунча арзон нархи умумий булган девор панеллари;

чет элда ишланган "коврлан" туридаги гиламсимон қоплама ва пол учун қоплама;

ансамблга бетакрор ёруғлик самарасини бахш этувчи ўзига хос ёритгичлар.

Ҳузуримизга шошилинг: хизмат жойингизнинг қулай ва шинамлиги ҳамда кўркамлиги - бетакрор иш услубининг гаровидир.

ЯХШИ ЖИХОЗЛАНГАН ХОНА – АЪЛО КАЙФИЯТ – АЪЛО БИЗНЕС ДЕМАКДИР!

Манзилимиз: 700146, Тошкент шаҳри, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча. "АЛИНА" кичик жорий этиш корхонаси. Тошкентдаги телефонлар: 90-94-85, 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.

"САРБОН" Ўзбекистон реклама агентлиги.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА

профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: автомобилларни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш, ҳаётий фаолият хавфсизлиги, йўл машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш, автомобиллар;

профессорлар: йўл машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш;

доцентлар: иқтисодий назария асослари, умумий кимё, (автомобиль транспортидан тижорий фойдаланиш ва менежмент, чизма геометрия ва графика;

катта ўқитувчилар: назарий механика, культурология, фалсафа (2),

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинсин: **Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй.**

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Жумҳурияти Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли педиатрия илмий текшириш илмгоҳи жамоаси илмгоҳ клиникасининг бош шифокори Ш. Турсуновга падари бузрукворн

Боситхон ТУРСУНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳи жамоаси шу илмгоҳга қарашли фалсафа кафедрасининг ходими Т. Жафаровга отаси

Зуфар ЖАФАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ойномаси таҳририяти жамоаси таҳририятнинг собиқ масъул котиби

Раҳматулло ҚОДИРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

●389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—71.

№ 82.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 20.20. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.